



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ПЕДАГОГИКА ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ  
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

**«ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ,  
УНИНГ ШАРҚ РЕНЕССАНСИДА ТУТГАН  
ЎРНИ**

(ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ  
таваллудининг 620 йиллигига бағишилаб)»  
мавзусидаги  
халқаро илмий-амалий анжуман

**ТҮПЛАМИ**

2024 ЙИЛ 6-7 ИЮНЬ



**Бухоро-2024**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ПЕДАГОГИКА ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ  
ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

**«ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ,  
УНИНГ ШАРҚ РЕНЕССАНСИДА ТУТГАН  
ЎРНИ**

**(ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ  
таваллудининг 620 йиллигига бағишилаб)»  
мавзусидаги  
халқаро илмий-амалий анжуман**

**ТҮПЛАМИ**

**2024 ЙИЛ 6-7 ИЮНЬ**

**Бухоро-2024**

**Хожагон-Нақшбандия таълимоти, унинг Шарқ ренессансида тутган ўрни**  
(Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 620 йиллигига бағишилаб)

**Хожагон-Нақшбандия таълимоти, унинг Шарқ ренессансида тутган ўрни (Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 620 йиллигига бағишилаб)**  
**Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами. 6-7 июнь 2024 йил.**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Абдуҳаким Зиёйтдинович ШАРИПОВ** – Бухоро давлат педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси мудири фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор.

**Очил Сирожович СИРОЖОВ** – Бухоро давлат педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси профессори, тарих фанлари номзоди

**Холидахон Холиқовна РАҲМАТОВА** – Бухоро давлат педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори(DSc)

**Ражаб Эргашевич ҚИЛИЧЕВ** – Бухоро давлат педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

**Зубайдилло Ибодиллоевич НАРЗИЕВ** – Бухоро давлат педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

**Мубин Рустамович ШОКИРОВ** – Бухоро давлат педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 2 мартағи 101-Ф-сон фармойишига асосан.

Мазкур тўплам Бухоро давлат педагогика институти илмий техник кенгашининг 2024 йил \_\_\_\_ сонли мажлиси баёни асосида нашрга тавсия этилган.

©Ижтимоий фанлар кафедраси  
©БухДПИ

2. Ma'naviyat yulduzları, T., 1999.
3. Богаевский Н. В. „Мечеть Ходжа Ахара и медрессә Надыр диван беги. Планы, фасады и разрезы.», Түркестанский альбом, 1871—1872.
4. Бертелс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965
5. Бобохонов Ш., Мансур А. Нақшбандий тариқатига оид қўллётмалар фихристи. Т.: Мовароуннахр, 1993. 22-23-бетлар.
6. Knish A.D. Musulmon tasavvufi. - Tarjimon Qodirqul Ro`zmatzoda-Toshkent, «Fan ziyyosi» nashriyoti, 2022.-448 b.
7. Komilov N. Tasavvuf. Toshkent: «Movarounnahr»- «Ozbekiston», 2009. – 446 b.
8. Navro`zova G.N., Raxmatova X.X. Naqshbandiya tushunchalari genezisi. «Buxoro» nashriyoti, 2010. 232 b.

## **ХЎЖА АҲРОР ВАЛИЙ ТАРИҚАТИДА ТАРБИЯВИЙ ЖИҲАТНИНГ ЁШЛАРГА ТАЪСИРИ**

**Туганова Луиза Джусураевна – Чирчиқ давлат педагогика университети  
ўқитувчиси**

**Аннотация.** Тарихий ривожланиш жараёнида шаклланиб келаётган ижтимоий муносабатларнинг асоси сифатида бағрикенглик, дўстлик, тинчлик каби тушунчаларнинг бугунга келиб йўқолиб кетаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Тасаввуф таълимотида жамиятнинг ривожланишига сабаб маънавий, маданий меросимизга бўлган эътибор, бугунги кунда мавжуд муаммоларнинг ечимида айланишига бўлган муносабатлар албатта уни ўрганишни давом эттириш билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин. Ҳар бир қарашнинг ўзига хос жиҳатларини кўра олиш, уни ўрганишга бўлган қизиқишни ошириш учун унинг аҳамиятли тарафини кўра олиш, кўп ва машақкатли изланишлар ёрдамида бўлишини унутмаслигимиз ва тарихий меросимизнинг накадар бойлигини кўра олишимиз тўғрисида ёритилган.

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, таълимот, ислом, тасаввуф, тариқат, сўфий, аскетизм.

**Кириш.** Қадимдан маълумки маданий, маънавий ва илмий мероснинг муҳим қисмининг шаклланиши тарихан бизга маълум бўлган Марказий Осий минтақасига тўғри келган бўлиб, Турон, Туркистон ва Мовароуннахр деб номланган худудларни тасаввуф таълимоти билан боғлиқ ҳолда ўрганиш жараёни бошланган. Чунки тасаввуф таълимоти у ёки бу жиҳатдан яшаш тарзимиз, маданиятимиз, ижтимоий-фалсафий ғояларимиз тасавvuрига катта таъсир кўрсатган. Гарчи тасаввуф мактабларининг ташкил топиши дастлаб Куфа, Бағдод, Басра, Миср каби ислом дини кенг тарқалган худудлар билан боғлиқ бўлса-да, кейинчалик Марказий Осиёда бутун ислом олами миқёсида умумэътироф этилган Яссавийа, Хожагон-Нақшбандийа ва Кубравийа каби йирик тасаввуф тариқатлари вужудга келган [1].

Е.Э.Бертельснинг «Суфизм и суфиская литература» асарида қайд этилишича: «Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас, бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин» [2. С.54] деган қимматли фикрларни келтириб ўтган. Тасаввуф таълимоти Мовароуннахр маданияти ва адабиёти илми таъсирида тараққий этган ва янги ҳалқ ғояларининг шаклланишига туртки бўлган. Шу тариқа Мовароуннахрнинг ислом маданиятида тасаввуфнинг тутган ўрни бекиёс. Тасаввуф амалиёти билан машғул кишилар сўфийлар деб юритилган. «Сўфий» сўзининг келиб чиқиши бўйича қўйидаги таҳминлар мавжуд бўлиб, бирни Пайғамбар Алайҳиссаломнинг муборак масжидлари ёнида баъзи камбағал саҳобалар суфи (супа)да яшаганликлари учун улар «ахли суффа» ёки «асҳоби суффа» дейилган. Бошқаси «суф» жун, кийим, «сўфий» эса, жун мато кийган киши, жандапўш дегани. Сўфийлар одатда жундан кийим кийиб юрганликлари учун шундай тушунча келиб чиқсан.

Сўфийлар қаторига муҳаддислар, қорилар, косиблар, тижоратчилар кирган. Бу даврларда «сўфий» ёки «ат-тасаввуф» атамалари ҳали кенг тарқалмаган. Сўфийлар жуда камтарона ҳаёт тарзини ёқлашган ва жамиятда белгиланган талабларни бажариш, ҳамда «аскетизм» дунё лаззатларидан воз кечиш каби ғоялани шакллантирганлар. Бу орқали шахсий эркинлик, яъни руҳий маънавийликка сингиши орқали комил инсон даражасига эришишга асосланганлигини ўрганишимиз мумкин. Шу жумладан Вали Хўжа Аҳрорнинг бу таълимотга қўшган ҳиссаси бекиёс.

Вали Хўжа Аҳрор XV асрнинг таникли сўфий тасаввуфчиси ва олими бўлиб, Марказий Осиё ва Ҳиндистонда сўфийлик ривожига катта таъсири кўрсатган. Унинг маънавий мероси ҳозирги замонда тасаввуфни тушуниш ва амалда қўллаш учун долзарб ва муҳим бўлиб қолмоқда. Унинг ички тинчлик, раҳм-шафқат ва қўшнига бўлган муҳаббат ҳақидаги таълимотлари кўплаб сўфийлар учун намуна бўлиб келган. Вали Хўжа Аҳрор, шунингдек турли динларга мансуб одамлар ўртасида тинчлик ва тотувликни тарғиб қилиш билан машғул бўлган. Унинг фарқларни хурмат қилиш ва бошқа эътиқодларга нисбатан бағрикенглик ҳақидаги таълимотлари бизнинг замонамиизда долзарб бўлиб қолмоқда, чунки дунё ҳали ҳам динлараро мулоқот ва ҳамкорликка муҳтоҷ эканлиги бизга ҳам маълум[3].

Сўфийлик таълимотининг ёш авлодга сезиларли таъсирини кўрсатиши мумкин, чунки у ички инсонда донолик, хотиржамлик ва камтарликни ривожлантиришга қаратилган эзгу амаллари замонавий ҳаётнинг тез суръатларда ва шиддат билан ривожланиб келаётган бир вақтда, ёшларнинг ички оламини шакллантириши, жамиятда мавжуд бугунги муаммоларга ечим бўла олади. Бу тариқа таъсирининг тўғри қўлланилиши ибодат ва шунга ўхшаш амалиётлар ёшларга ўз қадриятлари, мақсадлари ва истакларини тушуниб этишга ёрдам беради.

Сўфийлик бошқа маданиятлар ва динларни қабул қилишни ҳам қўллаб – кувватлайди, шунинг учун маданиятларо ва динлараро мулоқотга қизиқсан ёшлар унда бағрикенглик ва фарқларни хурмат қилиш ҳақидаги қимматли таълимотни топишлари мумкин. Бундан ташқари, тасаввуфнинг севги, раҳм-шафқат фидоийлик ҳақидаги таълимотлари ёш авлодни янада ахлоқий ва маънавий тарбиясини ривожлантиришга илҳомлаштириши мумкин.

**Хулоса** ўрнида шуни белгилаб ўтиш керакки умумий олганда, тасаввуф таълимоти чуқур маънавият, ички ривожланиш ва ўзини ва атрофдаги дунёни тушунишга интилаётган ёшлар учун қимматли манба бўлиши мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

[1]. <https://www.mirarab.uz/ruknlar/63>

[2].Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1995.-С.54

[3].Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф.Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т.:Мовароуннахр.2004.Б.30

[4].<https://dzen.ru/a/ZUTrMUDrLxaShioo>

## **НАВОИ О НАЗНАЧЕНИИ ЧЕЛОВЕКА, СМЫСЛЕ ЕГО ЖИЗНИ И ДУХОВНОГО СОВЕРШЕНСТВА**

*Вафаева Диляфруз Ортиковна – преподаватель кафедры Общественные науки БГПИ*

**Аннотация.** В статье научно проанализировано мировоззрение Алишера Навои, в них вырисовывается его личность, его мечты и идеалы. Он создал образ идеального человека. Он мечтал о сильном централизованном государстве, управляемом мудрым и справедливым государем.

**Ключевые слова:** человек, смысл, жизнь, духовного совершенства, суфизм, истина, мудрец, неуклонность продвижения.

**Annotatsiya.** Maqolada Alisher Navoiyning dunyoqarashi ilmiy tahlil qilinadi, ularda uning shaxsiyati, orzu-umidlari, ideallari namoyon bo`ladi. U ideal inson obrazini yaratdi. U dono va adolatli inson tomonidan boshqariladigan kuchli markazlashgan davlatni orzu qildi.

**Kalitso'zlar:** inson, ma'no, hayot, ma'navi ykamolot, so'fiylik, haqiqat, donishmand, taraqqiyo tsobitligi.

**Abstract.** The article scientifically analyzes the worldview of Alisher Navoi; his personality, his dreams and ideals emerge in them. He created the image of an ideal person. He dreamed of a strong centralized state, ruled by a wise and fair sovereign.

**Keywords:** man, meaning, life, spiritual perfection, Sufism, truth, sage, steadfastness of advancement.

Навои даёт уроки познания Истине путникам. Одним из доказательств того, что «Смятение праведных» («Хайратул аброр») связан с «Сокровищницей тайн» Низами, признанной тайнописью суфиев, служат